



# Халқ сўзи

Ўзбекистон –  
келажаги  
буюк  
давлат

2021 йил – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 29 ноябрь, № 255 (8035)

Душанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ АШХОБОД САММИТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 ноябрь куни Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг ўн бешинчи саммитида иштирок этди.

### THE 15<sup>TH</sup> ECONOMIC COOPERATION ORGANIZATION SUMMIT ASHGABAT, TURKMENISTAN, NOVEMBER 28, 2021



Саммитни мезбон давлат — Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов очди. Тадбирда Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Покистон

Ислон Республикаси Президенти Иброҳим Раисий, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, шунингдек, Қозоғистон Республикаси Бош вазири Асқар Мамин ва

риш, унга аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни савдо, транспорт-коммуникациявий ўзаро боғлиқлик, саноат кооперацияси, “яшил энергетика” ва туризм соҳаларида ри-

шароитидаги иқтисодий қийинчиликларга эътибор қаратиб, ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича қатор аниқ таклифларни илгари сурди. Хусусан, савдо, инвес-

Ушбу ҳужжат аъзо мамлакатларнинг минтақавий иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасидаги муҳим устувор интилишларини ўзида мужассам этди.

Президент Шавкат Мирзиёев шу муносабат билан билдирилган самимий тилаклар учун миннатдорлик билдириб, учрашув иштирокчиларини мамлакатимизда ўткази-



Ислон Республикаси Президенти Ориф Алвий, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган, Эрон

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Хусрав Нозирий ҳам иштирок этди. Ташкилот доирасида кўп томонлама шерикликни янада кенгайти-

вожлантириш масалалари йғилишнинг асосий мавзулари бўлди. Давлатимиз раҳбари саммитдаги нутқида халқаро ва минтақавий вазиятга, давом этаётган пандемия



тиция, транспорт, “яшил иқтисодиёт”, туризм соҳаларига доир муҳим фикрлар билдирилди. Саммит якунида Ҳаракатлар учун Ашхобод консенсуси имзоланди.

2022 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига раислик Ўзбекистон Республикасига ўтгани саммитнинг муҳим натижаларидан бири бўлди.

ладиган навбатдаги саммитга таклиф қилди. (Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ЎН БЕШИНЧИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

**Хурматли Гурбангули Мяликулиевич! Хурматли делегациялар раҳбарлари!** Авваламбор, гўзал Ашхобод шаҳрида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотимиз кунда Сизлар билан учрашиб турганимдан гоят мамнунман.

Қадрли биродарим Гурбангули Мяликулиевич Бердимухамедовга бугунги анжумани юксак савияда ташкил этгани ва самимий меҳмондўстлиги учун билдирилган миннатдорлик сўзларига қўшиламан.

Туркменистоннинг Ташкилотга самарали раислиги ва кўп томонлама амалий алоқаларни кенгайтиришга катта ҳисса қўшаётганини алоҳида эътироф этмоқчиман.

Жумладан, жорий йил сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти билан шериклик тўғрисида қабул қилинган Резолюцияси бу йўлдаги муҳим қадам бўлди.

**Хурматли саммит иштирокчилари!** Тарихи, дини, урф-одат ва анъаналари яқин бўлган биродар халқларимиз азал-азалдан савдо-сотик алоқалари ва маданий ришталар билан чамбарчас боғланган.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ўтган давр мобайнида давлатларимиз умумий манфаатларини ифода этадиган, улкан

иқтисодий салоҳиятга эга йирик минтақавий тузилмага айланди.

Бугун хурматли ҳамкасбларим билдирган барча фикр-мулоҳазалар Ташкилотимизнинг халқаро майдондаги ўрни ва аҳамияти ошиб бораётганини, ўзаро дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, барқарорликни таъминлашга қаратилган интилишларимиз яқдил эканини тасдиқламоқда.

Ўз навбатида, биз Ташкилотимиз доирасида кенг қамровли алоқаларни янада ривожлантириш тарафдоримиз ҳамда бўлажак раислик вазифасини самарали амалга ошириш ниятидамыз.

**Хурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари!**

Бугунги кунда барчамиз глобал ва минтақавий вазиятнинг тобора мураккаблашиб бораётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Давом этаётган пандемия таъсирида жаҳон иқтисодиёти ривожда қандай тенденциялар кузатилади, халқаро ҳамжамият яна қандай янги хавф-хатарларга дуч келади, деган саволларга ҳамон аниқ жавоб йўқ.

Бундай ўзгарувчан шароитда қуйидаги устувор йўналишлар бўйича умумий саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

**Биринчи йўналиш** — 500 миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган, улкан бозорга эга

бўлган мамлакатларимизнинг савдо ва инвестиция соҳаларидаги катта имкониятларидан тўлиқ фойдаланишимиз зарур.

Қабул қилинган “Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти истикболлари — 2025” дастури асосида мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестиция алоқаларини янада кенгайтириш ва энг муҳими, амалий натижадорликка эришиш мақсадга мувофиқдир.

Бунинг учун Ташкилотимиз доирасида янгиланган ва кенг қамровли Савдо битими ишлаб чиқиш ва қабул қилишнинг фурсати келди, деб ҳисоблаймиз.

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ЎН БЕШИНЧИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Мазкур ҳужжатда савдо тўсиқларини бартараф этиш, божхона тартибларини рақамлаштириш ҳамда ҳозирги вақтда долзарблиги тобора ошаётган электрон савдонини кенг татбиқ этиш масалалари ўз ифодасини топиши зарур.

Шунингдек, мамлакатларимизда ўзаро сармоёлар оқимини кўпайтириш ва уларни ишончли ҳимоя қилиш, саноат кооперациясини кучайтиришга қаратилган Қўшма ҳаракатлар дастурини қабул қилиш — бугунги кун талабидир.

Шу билан бирга, ўзаро савдо ҳажмларини ошириш, минтақавий аҳамиятга эга лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва жаҳон бозорида умумий рақобатбардошлигимизни кучайтиришимиз лозим.

Шу мақсадда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Саноатни ривожлантириш ташкилоти ЮНИДО ва Марказий Осиё иқтисодийоти учун СПЕКА Махсус дастури билан ҳамкорликда Ташкилотимиз доирасида Савдо, инвестициялар ва инновациялар марказини ташкил этиш ҳамда унинг қароргоҳини Тошкент шаҳрида жойлаштиришни тақдир қилишимиз.

**Иккинчи йўналиш** — минтақамиздаги мавжуд ва янги транспорт йўлақларидан унумли фойдаланиш.

Бу борада минтақаларо транзит хабларини ташкил этиш, замонавий транспорт ва йўл инфратузилмаларини ривожлантириш, транспорт ва транзит тарифларини оптималлаштириш ҳамда қўшимча чегирмаларни тақдим этиш, халқаро юк ва йўловчи ташини шартларини енгилаштириш, транспорт соҳасини рақамлаштириш масалаларига аниқ ечимлар топишимиз зарур.

Бу режаларни рўйбга чиқариш учун мамлакатларимизнинг транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш ва транзит салоҳиятини кенгайтиришга қаратилган Минтақавий стратегияни ишлаб чиқиш мақсада мувофиқдир.

**Учинчи йўналиш** — “яшил тараққиёт”га эришиш

учун амалий сайё-ҳаракатларимизни сафарбар этишимиз даркор.

Экологик муаммолар ва иқлим ўзгариши кескин тус олаётган ҳозирги даврда давлатларимизда тўпланган ва хорижий илгор тажрибадан самарали фойдаланиш, “яшил иқтисодиёт”ни биргалликда фаол ривожлантириш, саноат тармоқларига ресурстежамкор технологияларни кенг татбиқ этиш, улгерод нейтраллигига эришиш кун тартибидоги энг долзарб вазифалардан биридир.

Бунинг учун халқаро эколог олимлар ва экспертлар иштирокида юқори даражадаги доимий Мулоқот кенгаши тузишни тақдир қилишимиз.

**Тўртинчи йўналиш** — сайёҳлик алмашувларини қайта тиклаш масаласидир.

Бухоро шаҳрида 2022 йили бўлиб ўтадиган туризм вазирларининг навбатдаги учрашувида пандемиядан кейинги даврда Хавфсиз сайёҳликни ривожлантириш умумминтақавий Дастурини қабул қилиш ташаббусини билдирмоқчиман.

Шу асосда “зиёрат туризми” ва бошқа қўшма сайёҳлик махсулотларини ишлаб чиқиш, авиакатновлар географиясини кенгайтириш, туризм инфратузилмасини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилган бўлар эди.

**Хурматли анжуман қатнашчилари!** Ташкилотимиз аъзоси бўлган Афғонистондаги бугунги мураккаб вазият ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Ушбу мамлакат кун сайин оғир гуманитар инқирозга кириб бормоқда.

Халқаро ҳамжамият, жумладан, яқин қўшнилар ёрдамисиз афғон халқи яққа ҳолда бу қийин соҳанлардан ўта олмайдди.

Шу боис афғон халқига зарур ёрдам кўрсатиш бўйича сайё-ҳаракатларимизни бирлаштириш ва умумий ёндашувларни ишлаб чиқишимиз керак.

Шунингдек, Афғонистон билан минтақавий аҳамиятга эга бўлган йирик савдо, транспорт ва энергетика лойиҳаларини амалга ошириш иш-

ларини изчил давом эттириш тарафдоримиз.

**Хурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари!** Яна бир муҳим масалага алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Ташкилотимизнинг халқаро нуфузи ва обрўсини ошириш, бошқа минтақавий ташкилотлардан фарқ қиладиган ва ўзига хос кун тартибига эга бўлиш, етакчи халқаро тузилмалар билан алоқаларни мустақамлаш, ҳамкорлигимизнинг институционал механизмларини ривожлантиришни ҳозирги даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича аниқ тақдир ва тавсиялар тайёрлаш учун юқори даражадаги Экспертлар гуруҳини тузиш ташаббусини илгари сурадим.

Шу билан бирга, ҳамкорлигимизнинг устувор йўналишлари ва долзарб вазифалардан келиб чиқиб, ҳар йилга ном бериш аънанасини жорий этиш, уйлaimанки, ўринли бўлар эди.

Биз Ўзбекистон Ташкилотга раислик қиладиган даврда мамлакатларимизда Ўзаро ўзвий боғлиқликни мустақамлаш йили, деб эълон қилишни тақдир қилишимиз.

**Муҳтарам ҳамкасблар!** Биз бугунги тадбиримизнинг яқиний ҳужжати — Ҳаракатлар учун Ашхобод консенсуси қабул қилинишини ҳам қўллаб-қувватлаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Ташкилотимиз янги Бош қотиби Хурсав Нозирий жанобларини масъулиятли фаолияти бошланғичи муносабати билан самимий табриклаб, келгуси ишларида ютуқ ва омадлар тилаймиз.

Сўзимнинг якунида умумий интилиш ва ҳаракатларимиз натижасида Ташкилотимиз доирасидаги кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигимизни яқин истиқболда сифат жиҳатидан янги поғонага кўтар олишимизга ишонаман.

Барчангизни катта мамунчиёт билан навбатдаги саммитимизда иштирок этиш учун Ўзбекистон заминига тақдир этаман.

Эътиборларингиз учун раҳмат.

# ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ АШХОБОД САММИТИ

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти халқаро форум доирасида қатор давлатлар раҳбарлари билан учрашувлар ҳам ўтказди.

Туркманiston Президенти Гурбангули Бердимўхамедов билан суҳбат аввалда Шавкат Мирзиёев биродар туркман халқини яқинлашиб келаётган миллий байрам — Бетарафлик кун билан самимий қўтлади.

Икки томонлама яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳожама қилинди.

Жорий йил октябр ойида олий даражада эришилган келишувларга мувофиқ савдо-иқтисодий ҳамкорлик борасидаги қўшма лойиҳаларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро кун тартиби ва кўп томонлама тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистон Президенти Туркманistonнинг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотидоги сермахсул раислигини юксак баҳолади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Покистон Ислам Республикаси Президенти Ориф Алвий билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон — Покистон кўп қиррали ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Шериклик алоқалари, энг аввало, иқтисодиёт йўналишида жадал ривожланиб бораётгани катта мамунчиёт билан қайд этилди.

Минтақа кун тартибидоги долзарб масалалар, шу жумладан, Афғонистонда вужудга келаётган вазият муҳожама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали

Раҳмон билан ҳам учрашув ўтказди. Давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Тожикистон стратегик шериклик муносабатларини янада мустақамлаш масалаларини кўриб чиқдилар. Кенг қўламини савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада мустақамлаш муҳим экани таъкидланди.

Саноат, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт, туризм ва бошқа устувор соҳаларда истиқболли кооперация лойиҳаларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Муҳим маданий-гуманитар алмашинув дастурлари қайд этилди.

Етакчилар Марказий Осиё минтақасидаги вазиятнинг ривожланиши юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Эрон Ислам Республикаси Президенти Иброҳим Раисий билан учрашувида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни янада ривожлантириш масалалари муҳожама қилинди.

Икки томонлама савдо ҳажмининг ортишига қўмақлаш, саноатда янги кооперация лойиҳаларини амалга ошириш, икки мамлакат транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва маданий-гуманитар алмашинув дастурларини илгари суриш мақсадида ҳамкорликнинг институционал механизмларини фаоллаштириш муҳим экани таъкидланди.

Ўзбекистон ва Эрон етакчилари Афғонистондаги бугунги вазиятдан келиб чиқиб, минтақа кун тартиби ҳамда халқаро ташкилотлар доирасидаги яқин мулоқотни давом эттириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратдилар.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркманistonга амалий ташрифи якунланди.

Ў.А.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОИ

# ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ ЭКСПЕРТИЗА ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИ ҲАМДА БОЛАЛАРГА НОГИРОНЛИКНИ БЕЛГИЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Фуқароларни ортқча оворагарчилик ва бюрократик тўсиқларсиз тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтказиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўлақонли ҳаёт тарзини юритиш ҳамда ўз ҳуқуқларини ва салоҳиятини рўйбга чиқариш имкониятларини кенгайтириш, уларни реабилитация қилишга тўғри йўналтириш ҳамда тегишли чора-тадбирлар билан қамраб олиш кўламини янада кенгайтириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ешларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат Дастури ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 мартдаги “Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги ПФ-6195-сон Фармониға мувофиқ Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси ва унинг худудий бўлинмалари Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги тизимиға ўтказилганлиги ҳамда унга фуқароларни тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтказиш ва ногиронлиқни белгилаш тизимини янада такомиллаштириш вазифаси юкланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Фуқароларни тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтказиш ва ногиронлиқни белгилаш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

фуқароларға ногиронлиқни белгилашда коррупциянинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувиға йўл қўймаслик;

ногиронлиқни белгилашда фуқароларнинг ортқча оворагарчиликларини бартараф этиш, соҳада мавжуд бюрократик тўсиқ ва говларни бекор қилиш; маълумотлар электрон базасини шакллантириш орқали фуқароларға замон талабларига жавоб берадиган самарали хизмат кўрсатиш тизимини шакллантириш.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2021 йил 1 декабрдан бошлаб:

шахс соғлигининг ҳолатига кўра Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекциясининг тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясиға (кейинги ўринларда — тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси) бориш имконига эга бўлмаган ҳолатда ногиронлиқни белгилаш бириктирилган худудларға чиқиб кўча мажлисларда, шахсининг уйда ёки даволанишда бўлган стационарда ҳамда сиртдан кўриқдан ўтказиш орқали ташкил этилади;

ногиронлиқ белгилари аниқ кўриниб турган, анатомик нуқсонлари бўлган шахсларни клиник-функционал маълумотларни олишға доир қўшимча текширувдан ўтказмасдан туриб, тасдиқланган касалликлар рўйхати асосида фуқаронинг иштирокисиз улар ногиронлиги бўлган шахс деб топилганда ногиронлиқ мuddатсиз даврга белгиланади;

тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан ногиронлиқ тўғрисидаги маълумотномаларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ишлаши мумкин бўлган касблар бўйича тавсиялар берилади.

б) 2022 йил 1 августдан бошлаб дастлаб Тошкент шаҳрида ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларида ҳисобга олиш ва кўриқдан ўтказишнинг янги “Тиббий-ижтимоий экспертиза” электрон ахборот тизими (кейинги ўринларда — ахборот тизими) жорий этилади.

Бунда фуқароларға ногиронлиқни белгилаш учун асос ҳисобланадиган (тиббий йўланма, касаллик тарихи ва амбулатор картадан кўчирмалар ва бошқа) маълумотлар ахборот тизимиға электрон тарзда киритилиши таъминланади;

в) 2023 йил 1 январдан бошлаб ахборот тизими республиканиннг бошқа барча худудларида тўлиқ жорий этилади.

Бунда:

ногиронлиқни белгилашда даволаш-профилактика муассасаларининг йўланмалари, касаллик тарихидан кўчирмалар, амбулатор карта, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ҳамда меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолдаги бахтсиз ҳодиса ёки соғлиқнинг бошқача тарзда шикастланганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар тўлиқ ахборот тизими орқали қабул қилинади;

вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ҳамда меҳнат

вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолдаги бахтсиз ҳодиса ёки соғлиқнинг бошқача тарзда шикастланганлиги тўғрисидаги маълумотлар “Ягона меҳнат миллий тизими” идораларо дастурий-аппарати ҳамда ахборот тизими орасида маълумот алмашинуви асосида олинад;

ахборот тизимидаги фуқароға тегишли маълумотлардан келиб чиқиб, организмнинг функцияси бузиллиши ва ҳаёт фаолияти чегараланишини ҳисобга олган ҳолда ногиронлиқни фуқароларнинг иштирокисиз белгилаш тартиби жорий этилади;

ногиронлиги бўлган шахсға тааллуқли бўлган маълумотлар, даволловчи ҳамда тиббий ҳулоса берган шифокорлар тўғрисидаги маълумотлар ахборот тизимида қайд этиб борилади;

ногиронлиқ белгиланган шахсларға пенсия ва ижтимоий нафақаларни тайинлаш учун электрон маълумотлар “Пенсия” ҳамда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимлариға автоматик тарзда юборилади.

4. Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекциясининг педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари (кейинги ўринларда — педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари) ташкил этилсин ва шу муносабат билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг шифокорлари зиммасига 18 ёшгача бўлган болаларға ногиронлиқни белгилаш бўйича юклатилган қўшимча функциялар бекор қилинсин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

18 ёшгача бўлган болаларни ногиронлиги бўлган бола деб топиш педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан амалга оширилади;

18 ёшдан катта фуқароларни ногиронлиги бўлган шахс деб топиш тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан амалга оширилади;

педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган доимий фаолият кўрсатувчи тузилма ҳисобланади.

6. Қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида иккитадан педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари;

Бухоро, Жиззах, Навойи, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида биттадан педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари;

Қашқадарё, Сирдарё, Хоразм ва Наманган вилоятларида қўшимча равишда биттадан туманларо тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари;

Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекциясида 3 нафар штат бирлигидан иборат информация технологияларни жорий этиш бўлими ташкил этилсин.

Бунда Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси ва тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг штат бирликлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 майдаги “Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббийё ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида”ги ПФ-6221-сон Фармониға мувофиқ ажратилган штат бирликлари ҳисобидан шакллантирилади.

7. Педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

18 ёшгача бўлган болаларни тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтказиш ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари билан биргалликда ногиронлиқни белгилаш соҳасида давлат дастурларини ишлаб чиқишда қатнашиш;

18 ёшгача бўлган болаларни ногиронлиққа олиб келувчи омиллари ўрганиш ҳамда соғлиги ёмонлашувининг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

ногиронлиги бўлган болаларни реабилитация қилишнинг яққа тартибдаги дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

соҳаниннг жорий ва истиқболдаги эътиборларини ҳисобга олган ҳолда кадрларни ўқитиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илгор усулларини тизимли асосда жорий этишда қатнашиш.

8. Ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларида ҳисобга олиш ва кўриқдан ўтказишнинг электрон тизимини яратиш ва кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича “Йўл харитаси” иловаға мувофиқ тасдиқлансин.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (А.Инаков) билан биргалликда:

бир ой мuddатда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 18 ёшгача бўлган болаларға ногиронлиқни белгилаш масалалари учун масъул тиббиёт муассасаларидаги ногиронлиққа оид тиббий ҳулосани бериш билан боғлиқ бўлган барча ҳужжатлар белгиланган тартибда хатловдан ўтказилишини ва тегишли педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялариға топширилишини таъминласин;

икки ой мuddатда давлат тиббиёт муассасаси томонидан фуқароларни тиббий-ижтимоий экспертизаға юбориш тартибини назарда тутовчи врачлик-маслаҳат комиссиясиға тўғрисида низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб тиббий-ижтимоий экспертиза, реабилитология, тиббий, ижтимоий ва касбий реабилитация мутахассисларини тайёрлашдаги магистратура, клиник ординатура, қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув дастурларини халқаро таълим стандартлари асосида такомиллаштириш чораларини кўрсин;

хар беш йилда камида бир марта тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати тизимининг тиббиёт ходимлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги таълим муассасалари ва республика иختисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида мутахассислиги ва тиббий-ижтимоий экспертиза бўйича малака ошириш ҳамда бирламчи иختисослаштириш курсларидан бепул ўтишини таъминласин.

10. Мазкур қарор қабул қилинганға қадар берилган ногиронлиқ тўғрисидаги эски намунадаги маълумотномалар ҳамда расмийлаштирилган эски намунадаги ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилишнинг яққа тартибдаги дастурлари навбатдаги қайта кўриқ ўтказилганға қадар ёки реабилитация тадбирларини амалга ошириш (агар ногиронлиқ мuddатсиз белгиланган бўлса) тугагунгача ҳақиқий ҳисобланиши белгилаб қўйилсин.

11. Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (А.Инаков) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов), Молия вазирлиги (Т.Ишметов) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалликда 2022 йил 1 июнға қадар БМТнинг Тараққиёт дастури, Жаҳон банки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва ЮНИСЕФнинг техник қўмагини жалб қилган ҳолда ногиронлиқни белгилашнинг ижтимоий моделиға босқичма-босқич ўтиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентини қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин.

Бунда халқаро тажрибани ўрганган ҳолда Соғлиги ва ҳаёт фаолиятининг (Функцияларининг) чекланиши халқаро классификацияси асосида фуқароларға ногиронлиқни белгилашнинг ижтимоий моделиға ўтиш Концепциясини ишлаб чиқиш назарда тутилади.

12. Молия вазирлиги (Т.Ишметов) Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг асосланганлиги тақдирлариға мувофиқ ушбу қарорда кўзда тутилган тадбирларни амалга оширишға ва тиббий-ижтимоий экспертиза хизматининг моддий-техника базасини мустақамлаш, шу жумладан, янги ташкил этилаётган педиатрия ва туманларо тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларини транспорт воситалари билан таъминлаш, шунингдек, ахборот тизимини яратиш, кадрлар тайёрлаш учун зарур бўлган маблағларни 2021 йилда Давлат бюджетти параметрларида соғлиқни сақлаш соҳаси учун назарда тутилган маблағларнинг чекланган миқдорлари доирасида ажратилишини ҳамда 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджетти параметрларида назарда тутилишини таъминласин.

13. Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (А.Инаков):

а) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Шерматов) билан биргалликда:

уч ой мuddатда Давлат бюджетти параметрлари доирасида тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати фаолиятини

такомиллаштиришға ажратилган маблағлар ҳисобига 18 ёшгача бўлган болаларнинг ногиронлиги ва ундан катта ёшдаги ногиронлиги бўлган шахсларнинг электрон маълумотларини ўзида жамлайдиган электрон маълумотлар базасини такомиллаштирсин;

2022 йил 1 августға қадар илгор чет эл тажрибасини ўрганган ҳолда, фуқароларни тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларида ҳисобга олиш ва кўриқдан ўтказишнинг янги электрон ахборот тизимини ишлаб чиқ

# МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТИМИЗ ДЕЛЕГАЦИЯСИ САФАРИ ТАРИХИЙ ВОҚЕАЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

Яқинда Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган МДХ Парламентлараро Ассамблеяси гадаги ялпи мажлисида Ўзбекистон парламенти делегацияси муваффақиятли қатнашди. Ялпи мажлис доирасида учрашув ва бошқа қатор тадбирлар ҳам ўтказилди. Энг муҳими, миллий парламенти делегацияси сафари муҳим воқеаларга бойлиги билан алоҳида ажралиб турди.

## Мулоқот

### Ўзбекистон томонига миннатдорлик билдирди

МДХ ПА 53-ялпи мажлисида Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева нук сўзлади.

Ўзбекистон парламенти юқори палатаси раҳбари инсон аъзолари донорлиги тўғрисидаги қонуннинг асосий қоидалари куйи палата томонидан қабул қилинган ва ҳозирги вақтда Олий Мажлис Сенатида кўриб чиқилаётган “Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида”ги Қонунда ўз ифодасини топанлигини алоҳида таъкидлади.

— Бу МДХ ПА доирасида бошқа давлатлар парламентлари билан фаол ва самарали ҳамкорликнинг долзарб-лигини яна бир бор таъкидлаш ҳамда ҳамдустликка аъзо давлатларнинг қонун ҳужжатларини шакллантириш ва яқинлаштириш юзасидан тақдирлар ишлаб чиқиш, шунингдек, парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш имконини беради, — деди Сенат Раиси.

Парламент аъзолари МДХга аъзо давлатлар навбатдаги “Ҳамдўстлик бодалари” халқаро форумини 2023 йилда юртимизда ўтказишни ташкил этиш юзасидан қурилган тайёргарлик учун Ўзбекистон томонига миннатдорлик билдирди.

МДХ ПА аъзолари ҳамдустликка аъзо давлатлар учун Барқарор ривожланиш концепцияси ва унинг қонуни-

лик асосларини ҳам муҳокама қилди. Шунингдек, ялпи мажлисда “Пандемия даврида меҳнат миграциясини қонунийлик жиҳатидан таъминлаш чора-



тадбирлари тўғрисида”, “МДХ давлатларида ОИВ инфекцияси профилактикаси, диагностикаси ва уни доволлаш имкониятларидан тенг фойдаланиш тўғрисида”ги, “Инсон аъзолари донорлиги тўғрисида”ги, “МДХга аъзо давлатларнинг рақамли ривожланиш соҳасидаги ҳамкорлиги юзасидан тавсиялар тўғрисида”ги, “Фалла тўғрисида”ги, “Радиоактив ифлосланишга дучор

бўлган ҳудудларнинг ҳуқуқий режими тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа модел қонунлар юзасидан маърузалар тинланди.

### Муносабатларимиз юксак суръатда ривожланиб бораётгани қайд этилди

Мазкур нуфузли анжуман доирасида Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоеванинг Қозоғистон Респуб-

ютуқлардан чин дилдан мамнун ва мамлакатларимиз ўртасидаги қардошлик ришталарини мустаҳкамлашга катта аҳамият беради. Икки давлат ишончли стратегик ҳамкор ва иттифоқчи мамлакатлар ҳисобланади. Давлатларимиз раҳбарлари томонидан белгилаб берилган юқори даражадаги ҳамкорликни сақлаб қолиш, уни Қозоғистон ва Ўзбекистон парламентлари орқали қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга”, деди Маулен Ашимбаев.

Узаро мулоқот давомида вакиллик ҳокимияти органлари ўртасидаги ало-

ликаси Парламенти Сенати Раиси М. Ашимаев билан учрашуви бўлиб ўтди. Икки мамлакат юқори палаталари раҳбарлари муносабатларимиз юксак суръатда ривожланиб бораётганини қайд этиб, уларни янада чуқурлаштириш, жумладан, парламентлараро ҳамкорлик доирасида бундан-да кенгайтириш муҳимлигини таъкидлади.

“Қозоғистон Ўзбекистон эришаётган қарал мустаҳкамлангани, шунингдек, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида парламентлараро ҳамкорлик ривожланиб бораётгани ҳам айтайтилиди. — Бугун биз кўп қиррали ва самарали ҳамкорлигимиз парламентлар воқитида, яъни вакиллик ҳокимияти органлари ўртасидаги алоқа орқали сезиларли даражада кенгайтириб бораётганини мамнуният билан қайд этамиз, — деб таъкидлади Танзила Норбоева. —

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги парламентлараро мулоқот изчил ривожланиши икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада кенгайтириш, умуман, ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Шунингдек, учрашувда қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик ва Аёллар мулоқоти платформаси доирасидаги ўзаро алоқалар кенг муҳокама қилинди.

Томонлар Парламентлараро комиссиянинг навбатдаги мажлисини ўтказиш ва парламентлараро ҳамкорлик тўғрисида тасдиқланган “Йўл харитаси”ни янгилаш, унга юқори даражадаги келишувларни амалда рўйбга чиқариш бўйича долзарб йўналиш ва тадбирларни қиритиш ҳақида келишиб олди.

### Валентина Матвиенкога «Дўстлик» ордени топширилди

МДХ ПА 53-ялпи мажлиси доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенкога Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номидан “Дўстлик” орденини топширди.

Президентимиз Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ҳамда иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлаш йўлидаги фаол саъй-ҳаракатлари ва шахсий ҳисоли, икки давлат ўртасидаги парламентлараро алоқаларни ривожлантиришнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлагани, Ўзбекистон — Россия кўп қиррали ҳамкорлик, жумладан, минтақаларо ҳамкорлик ва икки томонлама маданий-гуманитар алмаштириш салоҳиятини тўлиқ очиб беришга қаратилган дастур ва лойиҳаларни самарали амалга оширишга қўмақлашгани учун Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Ивановна Матвиенкога “Дўстлик” ордени билан тақдирланди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

# СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

“Инсон қаҳри учун” тамойили асосида Президентимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, халқимизга хизмат қиладиган илҳам ҳамда самарали бошқарув тизимини яратиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлаш маъмурий бошқарув соҳасида тизимли ислохотлар ўтказилишини тақозо этмоқда.

## Муносабат

Давлатимиз раҳбарининг шу 22 ноябрдаги “2022-2023 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари дастурини ишлаб чиқиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши шу жиҳатлари билан муҳим аҳамиятга эга. Демократиянинг олий қадриятини асосида маъмурий ислохотлар ўтказиш давлат бошқарувиининг самарадорлигини кўтаришда асос бўлиб хизмат қилади.

Маъмурий ислохотлар ўзи нима? Бу — давлат функциялари ва уларни бажарувчи ташкилотлар тузилмалари, маъмурий бошқарув фаолияти воситалари, усул ҳамда услубларни қайта қўриб чиқиш ва аниқ мақсадли ўзгаришларни амалга оширишдир.

Мамлакатимизда ўтказилиши режалаштирилган маъмурий ислохотлар самарали ҳамда мақбул давлат бошқаруви тизимини вужудга келтиришга йўналтирилган.

Ҳўш, маъмурий ислохотлар нимаси билан муҳим?

Биринчидан, ислохотлар орқали давлат хизматчилари халққа яқин бўлади, фуқароларнинг муносабатлари тез ечилади.

Иккинчидан, бошқарув тизимидаги ортинча, бир-бирини тақорловчан, ўзаро ўхшаш идора ва ташкилотлар, вазирликлар қисқартирилиб, илҳам ва самарали бошқарув тизими яратилади. Шу асосда бир хил йўналишдаги вазифаларни бажараётган идоралар оптималлаштирилади.

Учинчидан, марказий идораларнинг ҳудудий тузилмалар билан ишлаш жараёнига янгича ёндашувлар жорий этилиб, эскирган бюрократик усуллардан воз кечилади. Бунда ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни тежорлик билан мустақил ҳал этиш бўйича вазирлик ва идораларнинг ваколатлари янада кенгайтирилади.

Тўртинчидан, қабул қилинган дастурлар ижроси юзасидан марказий ва маҳаллий раҳбарларнинг ҳисобот бериш тизими йўлга қўйилади. Қадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш жараёнига янгича, замонавий ёндашувлар жорий этилади, давлат хизматига ишга қабул қилиш танлов асосида амалга оширилади.

Бешинчидан, давлат раҳбари таъкидлаганидек, раҳбар халққа юқ бўлмаслиги, ақсинча, халқнинг юқини елкасига олиши керак. Шу нуктага назардан, катта-кичик раҳбарларнинг онгу шуурида “раҳбар халққа хизматчи, одамларнинг ҳўжайини эмас”, деган оқдий, аммо демократик, инсоний нуктага назардан муҳим тўшунчани сингдириш, тўшунтириш вазифаси турибди.

Давлат идораларининг халқдан узилиши, ўзи билан ўзи бўлиб қолиши, сўз ва иш ўртасидаги тафовут ҳамда коррупция фуқароларда ҳокимият институтлари, мансабдор шахсларга салбий муносабатни пайдо қилиши мумкин. Маъмурий ислохотлар давлат хизматчиларининг ҳуқуқий макомини пухта белгилаш ҳамда уларни бугунги кун талабларига жавоб берадиган кадрлар этиб тарбиялаш учун зарурдир.

Олтинчидан, бошқарув тизимини ислох қилиш орқали бюджет ортинча

сарф-ҳаражатлар ва юқламалардан ҳалос бўлади. Коррупция, тамағирлик, таъниш-билишчилик каби иллатларга ўрин қолмайди, давлат бошқарувида инсон омилнинг ўрни камаяди.

Юртимизда ижтимоий тенглик, халқ демократияси мезонларига мос келадиган давлат ва жамият барпо этиш муҳим масалалардан бири этиб белгиланган. Бундай давлатни шакллантириш барча соҳада ижтимоий адолат ҳамда ижтимоий тенгликни қарор топтириш заруратини аниқлатади. Бу нафақат ҳуқуқий тенглик, балки ижтимоий маквеи, мулкий ҳолати ва даромадидан қатъи назар, устувор ҳуқуқларни амалга оширишда барча учун тенг имкониятлар яратишни тақозо этади.

Президентимиз илгари сурган Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари дастурини ишлаб чиқиш гоёси давлат бошқаруви ва демократия нукта-назаридан том маънода янги Ўзбекистонни яратишга асос бўлади.

Яна бир характерли жиҳат шундаки, ҳақиқий маъмурий ислохотлар барча инсонларнинг ёши, жинси, ногиронлиги, миллати, дини ҳамда ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришга ҳам хизмат қилади.

Шунинг учун маъмурий ислохотларни белгилаб олишда шошмашошарликка йўл қўйилмаслиги белгиланди. Ҳар қандай ислохот чуқур мулоҳаза, стратегия билан амалга оширилгандагина кутилган самарани беради. Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари дастурини ишлаб чиқишни мувофиқлаштирувчи республика комиссияси ҳамда маъмурий бир соҳа йўналишида тақдирларни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлар ташкил этилди.

Шу ўринда маъмурий ислохотлар бўйича хорижий давлатлар тажрибасига назар ташласак. Масалан, Хитойда давлат ташкилотлари ходимларини қисқартириш, тақорланувчи функцияларни бартараф қилиш, Давлат кенгаши тузилмасини қайта тузиш, самарали кадрлар сиёсатини юритиш, коррупцияга қарши кескин курашиш маъмурий ислохотларнинг асосий йўналишлари сифатида белгиланган.

Японияда эса бош вазир ва унинг кабинети роли кучайтирилди, вазирлик ҳамда идоралар қайта тузилди, улар маъмурияти фаолиятини баҳолашнинг янги шакллари жорий этилди, бир қисм бошқарув функциялари куйи органларга берилди, давлатнинг кадрлар сиёсати ўзгаририлди.

Мамлакатимизда режалаштирилган маъмурий ислохотлар шунчаки шаклий ўзгаришлар билан эмас, балки замонавий давлат менежментини жорий қилиш ва ўз навбатида, стратегик мақсадларимизга эришиш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлиши кутилмоқда.

Улғубек ИНОЯТОВ,  
Олий Мажлис  
Қонунчилик палатаси  
Спикери ўринбосари.

# ИНВЕСТИЦИЯНИНГ ҲАР БИР СЎМИ НАТИЖА БЕРИШИ ЛОЗИМ

Мамлакатимизда инвестиция сиёсатини такомиллаштириш ва хорик сарможаларини жалб этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Эътиборлиси, уларнинг асосий қисми реал сектор қорхоналарини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни техник ва технологик янгилашга йўналтирилди. Президентимиз томонидан шу йилнинг 4 ноябрь кунини инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказилгани эса соҳанинг Ўзбекистон иқтисодиётида нечоғли долзарб аҳамият касб этишини кўрсатади.

## Нуктаи назар

Айтиш ўринлики, мамлакатимизда сўнгги беш йилда хорижий инвестициялар ҳажми 3 баробар ўсган. Бунинг эвазига юзлаб завод ва қорхоналар ишга туширилиб, экспортбоп маҳсулот ва хизматлар сони ошди. Ишончли муаммолари сезиларли бартараф этилди. Бундай истиқболли лойиҳалар хар бир тармок ва ҳудудда кенгайиб бормоқда. Жумладан, 2020 йил январь — сентябрь ойларда юртимизда чет эл инвестицияларининг умумий ўзлаштирилган ҳажми 7,2 миллиард долларни, (шундан, асосий қисми 5,7 миллиард доллар) жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 4,8 миллиард долларни, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳўкумат молиявий ташкилотларининг маблағлари 2,3 миллиард долларни ташкил этган.

Йил якунида хорижий инвесторлар учун энг жозибадор электротехника тармоғи (ўсиш — 2019 йилдагига нисбатан 25 баробар), АКТ соҳаси (ўсиш — 3,6 баробар) ва аниқ санаоати (ўсиш — 1,2 баробар) бўлди. Ҳудудлар кесимидаги кўрсаткичлар кўриб чиқилганда, Сурхондарё (1,1 баробар), Навоий (1,7 баробар) ва Наманган вилоятларида (1,3 баробар) тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўсишини юқори динамикаси кузатилади.

Инвестиция фаолияти кўрсаткичларининг сезиларли ўсиши халқаро молия институтлари ва хорижий ҳўкумат маблағлари билан ҳам боғлиқ бўлиб, уларнинг асосий қисми Япония ҳўкуматининг молия ташкилотлари — JICA, JBIC (умумий ҳажмига нисбатан 20 фоиз ёки 470,8 млн. доллар), Осие таракқиёт банки (16,6 фоиз ёки 380,0 млн. доллар), Жапон банки (11,2 фоиз ёки 256,8 млн. доллар), Ислон таракқиёт банки (3,6 фоиз ёки 81,2 млн. доллар) ва бошқаларга тўғри келади.

Ушбу маблағлар нефть-газ санаоати (884,3 млн. доллар), қишлоқ ва сув ҳўжалиги (461,9 млн. доллар), кимё санаоти (272 млн. доллар), энергетика (205,7 млн. доллар), транспорт-логистика секторлари (171 млн. доллар), соғлиқни сақлаш (70,0 млн. доллар) ва таълим соҳасидаги (32,4 млн. доллар) лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган.

Ўтган йилги ҳисобот даврида жами 3,3 миллиард долларлик 65 та йирки инвестиция лойиҳаси бўйича ишлар якунланган. Натижда 13 миндан ортиқ янги иш ўринлари яратилган.

Хўсусан, Қорақалпоғистон Республикасида “Тахиташ ИЕСда 230 — 280 МВт қувватга эга иккита парогаз қурилма-

ларини қуриш” лойиҳаси, Навоий вилоятида “Навоизот” АЖ неғизда азот кислотаси ишлаб чиқарилиши, Тошкент шаҳрида “Технопарк” МЧЖ ва унинг шўъба қорхоналарида 62,1 миллион долларга маиший музлаткичлар ишлаб чиқариш, 466,1 миллион долларга тенг ер усти метро қурилиши (1-Фаза), 103,8 миллион долларлик Тошкент метрополитени Юнусов линияси иккинчи босқинчини қурилиши, Жиззах вилоятида эса 150 миллион долларлик “Huaxin Cement Jizakh” МЧЖда цемент ишлаб чиқарилиши бўйича лойиҳалар шулар жумласидандир.

Жорий йил бошидан буён эса 179 та йирки ва 10 мингта ҳудудий лойиҳалар ишга туширилиб, уларга 76 триллион сўм инвестиция йўналтирилди. Булар пировардида, 143 мингта иш ўрни ташкил этишга замин яратди.

Давлатимиз раҳбари бошчилигидаги йиғилишда гадаги вазифалар сифатида янги лойиҳаларни ўз вақтида бажариш ва аввал ишга тушганларини тўлиқ қувватга чиқариш чора-тадбирлари муҳокама қилинди. Юртимизда инвестицияларни жалб этиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам талайгина эканлиги айтилди.

Хўсусан, охириги йилларда фойдаланишга топширилган 442 та лойиҳа паст қувватда ишляётгани қайд этилди. Масалалар жойида ўрганилганда, уларнинг 238 тасида ҳам ашё ва бозор топши, 115 тасида кредит, 35 тасида инфра-тузилма билан боғлиқ муаммолар борлиги аниқланган.

Жалб этилган инвестициялар ҳажми иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш учун етарли бўлмаётганлиги ҳақида Президентимиз томонидан бу борада вилоят ҳўкумларига ушбу қорхоналар муаммоларини ҳал этиш юзасидан кўрсатмалар берилди. Иштиқболли масала сифатида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига йил якунига қадар 139 та йирки ва 3 мингта ҳудудий лойиҳаларни ишга тушириш вазифаси топширилди.

Хорижий инвестициялар катта қисмининг бир нечта минтақаларда тўпланиб қолганлиги мамлакатимиз минтақаларида мавжуд табиий-иқтисодий салоҳиятдан тўлиқ фойдаланиш имкониятларини кечлаб қўймоқда. Шу боис давлатимиз раҳбари хар бир сўм инвестиция иқтисодиётга натижа бўлиб қайтиши, халқимиз манфаатига хизмат қилиши кераклигини таъкидлади.

Бундан ташқари, йиғилишда Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича Ҳўкумат комиссияси томонидан жойларга чиққан ҳолда тадбиркорлар, инвестиция лойиҳалари

ташаббускорлари муаммоларини ўрганиш ҳамда ҳал этиш бўйича тизимли ишлар давом эттириляётгани айтилди.

Шунингдек, жорий йилда импорт қилинган 270 дан ортиқ ускуна ҳали ўрнатилмагани кўрсатиб ўтилди. Бунга сабаб бўляётган жараёнларни соддалаштириб, ускуналарни тезроқ фойдаланишга қиритиш зарурилиги таъкидланди.

Таъкидлаш жоизки, Президент Шавкат Мирзиёев сайловди учрашувларида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича янги тизим жорий этилишини айтган эди. Шу нуктага назардан, хар бир ҳудудда “туман лойиҳа гуруҳлари” ва ҳолдинг компаниялари ташкил этилиши режалаштирилди. Ушбу янги тузилмалар тадбиркорларнинг бизнес ҳамкорига айланади. Улар тадбиркорларнинг ёнида туриб, гождан бошлаб, инвесторларни жалб қилиш ва лойиҳаларни тўлиқ қувватда ишлятишга хар кун и ёрдам беришга маъсўл бўлади.

Президент томонидан хорижий инвестиция ва экспорт ҳажминини оширишда мамлакатимизнинг чет давлатлардаги элчилари фаолияти муҳимлиги айтилиб, ҳудуд ва тармок раҳбарларга истиқболли лойиҳалар топши ва элчилар билан биргаликда уларни амалга ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Тан олиш керакики, жаҳон экспертлари минтақа мамлакатлари ривожланишида инвестиция жозибдорлиги ҳал қилувчи роль ўйнашини айтмоқда. Хўсусан, сўнгги йилларда Ўзбекистон бу борада яхши натижаларни кўрсатаятир. Масалан, 2019 йилда мамлакат тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимининг ўсиши бўйича етакчига айланди (2,3 бараварга ошди ва 4,2 млрд. АКШ долларини ташкил этди).

Давлатимиз томонидан инвестиция муҳитини янада барқарорлаштириш, унга қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича олиб бориляётган улкан ислохотлар натижасида Жаҳон банкининг прогнозларига кўра, 2021 йилда Марказий Осие мамлакатларида иқтисодиий ўсиш 3,7 фоиз даражасида (Ўзбекистонда +4,8 фоиз) бўлади. Бундай халқаро миқёсдаги ижобий эътироф инвестицион лойиҳалар маблағлари Ўзбекистонда илмий тадқиқот ва инновацияларни тижоратлаштириш тартибга солинаётгани, бу борада қонунчилик базаси мустаҳкамланганлиги ҳамда ушбу соҳаларда тегишли институционал ислохотлар жадал олиб бориляётганини кўрсатади.

Бўсқадвал АЛИЕВ,  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори.

# ПРОКУРАТУРА ЖАЗОЛОВЧИ ЭМАС, БАЛКИ КўМАКЛАШУВЧИ ОРГАНГА Айланмоқда

Бугунги кунда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳаси ислох этилиб, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилди. Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуңлигига асосланган ҳуқуқий тизим шаклланди.

## Ислохот

Айниқса, сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, жиноятчиликнинг олдини олиш, аҳоли ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, коррупцияга қарши кураш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чораларини қучайтириш, одил судловни самарали таъминлаш ҳамда судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш бўйича изчил ишлар олиб борилямоқда. Бу инсон ҳуқуқлари устувор эканидан далолат, албатта.

Шу ўринда Ҳаракатлар стратегиясининг алоҳида бир йўналиши — Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилишга қаратилгани ҳам бежиз эмас.

Мазкур стратегия ижроси ва соҳада амалга ошириляётган туб ислохотлар натижасида прокуратура органлари фақат жазоловчи эмас, балки давлатнинг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, фуқаролар, хўсусан, тадбиркорлар, ёрдамга мўҳтож оилаларга қўмаклашувчи, уларни қўллаб-қувватловчи органга, том маънода “халқ прокуратураси”га айланаётир.

Бугун прокуратура ходимлари кабинетда ўтириб эмас, ақсинча, халқнинг ичига қириб, давлат идоралари ҳамда фуқаролар билан бевосита мулоқот қилиб, уларнинг муаммоларига қонуний ечим изляпти. Бу бир томондан аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қилса, иккинчи томондан, турли жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга имкон яратди. Муҳтабар айтганда, тизим фаолияти тубдан ўзгарди. Бу ўзгаришлар жамиятимизда юз бераётган демократик жараёнларга ҳамоанглиги билан аҳамиятлидир. Халқимизнинг прокуратура органларига бўлган ишончи тобора ортиб бораётгани ҳам шундан.

Яна бир муҳим жиҳат, бу — ҳудудларда суд-ҳуқуқ идоралари мутасаддилари ва вакиллари иштирокида қонун ижроси, унинг талабларига риоя этиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш каби устувор йўналишларда давра суҳбатлари ўтказиб келинаётгани ўз самарасини бормоқда.

Биргина мисол Бош прокуратура тегишли ҳуқуқ-тартибот идоралари маъсуллари билан бирга Тошкент шаҳар божхона бошқармасига ташриф буюрилди. Бошқарма раҳбарияти ва ходимлари билан соҳага доир божхона органлари томонидан терговга қадар текширув ҳамда суриштирув ўтказишда қонунчилик талабларига риоя этилиши, далиллар мақбуллигига эътибор қаратиш ҳамда ушбу йўналишлар юзасидан давра суҳбатлари ўтказилди.

Ана шундай тадбирлар давомида Президент ҳузурдаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича Тошкент шаҳар вакиллари сўзга қичиб, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг тўқинликсиз амалга оширилишини таъминлаш, бизнес юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинган “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони мазмун-моҳияти атрафлича тўшунтирилди.


Айтиш жоизки, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишини ҳуқуқий механизминини янада қучайтириш мақсадида назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган барча текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизими жорий қилинган, божхона органлари томонидан ишбилармонлар фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келиши ҳамда ўтказиш тартиби тўғрисида айтиб ўтилди.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни мувофиқлаштириш ва

# ХАЛҚИМИЗГА, КЕЛАЖАГИМИЗГА ЭЪТИБОРНИНГ ЮКСАК ИФОДАСИ

Бу жой халқимиз, айниқса, ёшларимиз қалбига адабиётни, у орқали, маънавият, маърифат ва маданиятни олиб кирадиган табаррук даргоҳ бўлиши лозим.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



**Б**уюк бобомиз Алишер Навоий “Йиқилса ҳужра, бўлсун қаср обод, Қурус сабаза, бўлсун сарв озод”, деб ёзarkan, инсонларни бунёдкорлик руҳи билан яшашга, яратувчанликка ундаган. Оддий ҳужра бузилса, ўрнида қаср бунёд бўлиши, қуриган майса ўрнида гулу дараклар озод униб-ўсишини истаган, орзу қилган.

Аслар ўтиб бу жонбахш истаклар тўла рўбга чикмоқда. Бутун мамлакатимиз бунёдкорлик майдонига, кўчаю хиёбонларимиз гулу чечаклар очилган гулистонга айланмоқда.

Шу йилнинг 22 ноябрь куни Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида амалга оширилиши режалаштирилган бунёдкорлик лойиҳалари билан танишди.

Мазкур лойиҳалардан бири — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи худудида барпо этиладиган қатор маънавий-маърифий объектлар экани бутун халқимизни, айниқса, ижод аҳлини гоят мамнун этди. Унга кўра, Адиллар хиёбонига туташ худудда Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи, илмий-тадқиқот маркази, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти, мактаб ва ётоқхона қурилади.

Айни чоғда, Ўзбекистон Миллий боғи яқинида Президент кутубхонаси бунёд этилиши ҳам режалаштирилган. У 4 қаватли бўлиши, бир вақтда 1 минг 400 дан зиёд ўқувчиларга хизмат қўраётгани кўзда тутилган. Кутубхонада 1 миллион 500 мингта китоб сақланиши билан бирга электрон адабиётлар, мультимедиа маҳсулотлари ҳам бўлади.

Бу иншоотлар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳамда Адиллар хиёбонини мазмунан бойитиб, маънавият, адабиёт, илм-фан ва маърифат, қисқача айтганда, эзгулик нурлари ёғилиб турган яхлит мажмуага айлантиради.

Бир вақтлар бу маскан улуг шоир Алишер Навоий ҳайкали ўрнатилган эса-да, сунъий кўл бўйида фақат дараклар сөррайиб турган хилват бир гушага айланган қолган. Яшириб нима қилдик: ёшлар бу ерга, маданий қилиб тушунтирганга, ўйин-кулги учун келишарди...

Президентимиз ташаббуси билан бугунги кунда бу сўлим ошённинг суратию сайрати бундай ўзгариб бормоқда.

Авалло, бу ерда адабиёт — халқнинг юраги, адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор — бу халқимизга, келажакимизга эътибор, деб билган давлатимиз раҳбарининг гоёси асосида Адиллар хиёбонининг бунёд этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Дарҳақиқат, адабиёт — руҳ ва қалб озиғи, айни пайтда тарбиячи ва мураббий. Сўз санъати яратилгандан бунён инсонларни эзгулик ва маърифатга ундаганига, яратувчанлик ва бунёдкорликка руҳланганга, орзу-маня юракларга қанот бағишлаганига, дардли дилларга маҳкам бўлганига тарих гувоҳ.

Шу билан бирга, умуминсоний гоғлар билан озиқланган адабиёт ўқувчини комиллик сари одимлашга даъват этади, борлиққа, жамиятга адолат ва ҳақиқат кўзи билан боқишга, шўроналик ҳисси билан яшашга ўргатади. Тил соғлигини, яшовчанлигини таъминлашга хисса қўшади.

Ана шу улуг ҳақиқатдан келиб чиқиб Президентимиз Шавкат Мирзиёев фаолиятининг дастлабки қўлариданок адабиёт ривожига, барча қалам аҳлини қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият қаратади. Китобхонликка, ёш иқтидорлар тарбиясига эътиборни кучайтиради.

Юртимизда мутолаа маданиятини тарғиб этиш, ижодкорлар меҳнатини ардоқлаш, фидойи бу инсонларнинг захматли фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар кенг қулоч ёзди. Шунингдек, миллий адабиётимиз даргалари хотирасига эътиром ва ҳурмат қўрайтиш, уларнинг ноб ижодий меросини ўрганиш ҳамда тарғиб этиш бўйича кўплаб амалий ташаббуслар ҳаётга фаол татбиқ этилмоқда.

Адиллар хиёбони — бу борадаги барча ибратли ишларнинг ўзига хос рамзий кўзуғи, дейиш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 18 апрелдаги қарорига мувофиқ, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғини халқимиз, авваламбор, ёшларимизнинг маданий-маърифий савиясини юксалтиришга хизмат қиладиган, нафақат юртимиз, балки жаҳоннинг турли мамлакатларида меҳмонлар, сайёҳлар таъриф буюрадиган кўркам ошёнга айлантириш, маънавий ҳаётимизда ўчмас из қолдирган атоқли сўз санъаткорларининг тарихий хотирасини абадийлаштириш борасида қатор чора-тадбирлар белгиланди.

Шавкат Мирзиёев қурилиш-бунёдкорлик ишлари жадал кечаётган бу масканга бир неча бор таъриф буюриб, олиб борилаётган ишлар, ҳайкаллар қўрилишига оид лойиҳалар билан танишди. Бу ерда барпо этилаётган ижодкорлар ёдгорликлари, Ёзувчилар уюшмаси биноси қурилиши, уларнинг шакл-қиефасио мазмун-моҳияти ҳақида фикр билдириб, хиёбонини яхлит бир мажмуага, илдилари жуда олис, айни пайтда нузли манзилларга туташувчи адабиётимизнинг

бор кўрку салобатини намоён этадиган масканга айлантириш бўйича зарур топшириқлар берди.

Шу аснода хиёбон сурату сиёратида кескин ўзгаришлар буй кўрсата бошлади. Аввало, сўз мулканинг султони, улуг бобомиз Алишер Навоий ҳайкалининг қайта ўрнатилиши яхлит меъморий ансамблга тилла узукка гавҳар кўз кўйгандек мос бўлди. Бинобарин, эски ҳолида буюк мутафаккир ҳайкали Адиллар хиёбонига терс ҳолида буй чўзган эди. Олиб берилган ишлардан сўнг улуг бобомизнинг муаззам ҳайкали қалам билан дўстлашиб, ижодий йўлини давом эттирган издошлари томон юз бурди.

Энди ҳар субҳидан атроф ёришиб, кўёш кўкка ўрларкан, кўркам боғнинг энг юксақ нуқтасига чўнг бир виқор билан боқиб турган буюк сиймо елкалари оша заррин нурлар хиёбон узра таралади.

Кўрсатмаларга мувофиқ, аввалги лойиҳадан фарқи равишда ҳайкаллар ёнида лавҳалар ўрнатилди ҳамда аудио-ёзувлар орқали ҳар бир адиб ҳақида қисқача маълумот бериб бориш имконини яратилди. Масканда адабий гурунлар, қизиқarli сўхатлар, китобхонлик кечалари, тақдимотлар, ўқувчи талабалар учун очик дарслар, турфа маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш учун кўшимча шароитлар ҳозирланди. Худуд ободонлаштирилиб, ноёб гул қўчатлари, манзарали дараклар экилди.

Бугун боғнинг сўлимлигидан, ободлигидан дил ярайди. Тонгли шўринлар боғнинг тиник ҳавосига ўзгача зеб беради. Офтоб зиёси куз ҳавосини заъфаран ранг олган дараклар япроқларида жилавланади.

...Фунсуқор хиёбонда Алишер Навоийнинг пурвиқор ҳайкали маҳобати билан алоҳида ажралиб турибди. Буюк сўз санъаткори, маънавият ва маданият ҳомиёси бутун оламга, қандоқларга ҳаётда инсон сифатида қандай яшамоқлик ҳақида жар солиб тургандай гўё. Буюк мутафаккирининг “Ким қилса иморатки, қадр топгай, Чун исоми тарихларда боқий қолгай”, “Бу гулшан ичра, йўқдур бақо гулига сабот, Ажаб саодат эрур, чикса яхшилик била от” деган мисралари кўнгилдан ўтади. Бу ҳикматларнинг яратилганига беш асрдан ошди, лекин ҳамон руҳимиз, шууримизга ҳаловат бағишлайтиди, байтлар қатигади кишини бунёдкорликка, эзгу ишларга қорловчи маънаворини теранроқ, тўлароқ англаб олишимиз келади.

Дарҳақиқат, эзгу ишлари билан ўзини яхши ном қолдирган инсон қадр топади, унинг исми тилу дилларда замонлар оша яшайди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида

ҳам ана шу азалий ва абадий ҳикмат ўз ифодасини топди. Адиллар хиёбонига улуг сиймолар — Захриддин Мухаммад Бобур, Оғахий, Бердак, Мўқимий, Фурқат, Бехбудий, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Чўпон, Фафур Гулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Саид Аҳмад ва Саида Зуннунова, Озод Шарафиддинов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Тўлепберген Қаипбергенов, Ибройим Юсупов, Александр Файнберг, Мухаммад Юсуф каби ижодкорлар ҳайкалларининг ўрнатилиши сўз санъати воситасида халқимизнинг маънавий юксалишига муносиб хисса қўлган инсонлар хотираси биз билан ҳаммиса бирга эканининг амалий ифодаси бўлди.

— “Адиллар хиёбонини, Ёзувчилар уюшмасининг мухташам биносини барпо этиш меннинг армонларимдан бири эди” — деди Президентимиз 2017 йил 23 декабрь куни Ёзувчи-шоирлар билан мулоқот чоғида. Бу жуда улуг гап, — дейди Ўзбекистонда хизмат қилган милоқот чоғида.

...Хиёбоннинг турли худудларига ўрнатилган маънавий карнайлар орқали адабиётимиз намояндаларининг латиф шеърлари, тафаккур жавоҳирлари янграб турибди. Бу гушага келганлар, адабиёт илҳосмандлари ўзини бадиият оламига тушиб қолгандек хис қилади, сўз нафосатидан, мўъжизасидан баҳраманд бўлади. Вужудларга нур — маънавият қиради, кўнгилларда меър-муҳаббат қуртак ёзади. Шунинг ўзи қўлида қалам тутган ҳар бир ижодкорнинг кўнгилда катта умид, ишонч ва масъулият уйғотади.

Адиллар хиёбонининг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бунёд этилишида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Бу ерга келинганлар сўз мулканинг султони, улуг мутафаккир даҳосининг авлодига қонида, қалбига, ўю юмушида давом этаётганини яна бир бор англайди. Шу билан бирга, ҳазрат Навоий сиймоси замонамиз ижодкорларини руҳлантириб, илҳомлантириб туради, адабиётнинг табаруқ даргоҳида унга эргашшига, буюк аждоқларига муносиб бўлишга, халқ ва Ватан олдидаги масъулиятни чуқур ҳис қилиб яшашга даъват этади.

Сўлим хиёбонга қадам қўйган киши борки, адабиёт бўстониға кириб қолгандай бўлади. Ёдгорлик мажмуаси ўрнатилган ҳар бир ижодкор ҳайкалида унинг ички олами, характери, асарларидаги бетакрор руҳ, гоё, халқимизга ёд бўлиб кетган қаҳрамонлари қиефаси жилонилиб турибди. Қўлоқларимиз остида Абдулла Ориповнинг серқўёш ўлкамизни мадҳ этган нафис мисралари, Эркин Воҳидовнинг минг аслар ичра пиқон тарихимизни улукловчи теран сатрлари янграгандай бўлади. Ойбек сиймосига боқиб, қишда ҳам шивирлаётган баҳор нафасини ҳис

қиламиз. Ҳамид Олимжоннинг ўйчан қиефасидан деразамиз олдида оппоқ бўлиб гулган ўрик сўз олдимизда жонланади. Зулфия ниғоҳига термулиб, севиғи ва садоқат қуйлари қалбимизга оқиб кирганини тузимиз.

Адиллар хиёбонига Ёзувчилар уюшмасининг янги биноси мухташам қилиб бунёд этилган. Бу ерда шоир адибларнинг эркин ижод қилиши учун барча шароит яратилган. Икки қаватли замонавий ишоотда кутубхона, музей, “Жаҳон адабиёти”, “Шарқ юлдузи” ва “Звезда Востока”, “Ешлик” журналлари таҳририятлари, Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармаси, 150 ўринли фаоллар зали, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви маъмурияти, турли тадбирлар, учрашувлар ўтказиладиган заллар жойлашгани унинг замонавий талабларга жавоб берувчи меъморий мажмуага айланганини кўрсатади.

...Хиёбоннинг турли худудларига ўрнатилган маънавий карнайлар орқали адабиётимиз намояндаларининг латиф шеърлари, тафаккур жавоҳирлари янграб турибди. Бу гушага келганлар, адабиёт илҳосмандлари ўзини бадиият оламига тушиб қолгандек хис қилади, сўз нафосатидан, мўъжизасидан баҳраманд бўлади. Вужудларга нур — маънавият қиради, кўнгилларда меър-муҳаббат қуртак ёзади.

Шу билан бирга, ҳазрат Навоий сиймоси замонамиз ижодкорларини руҳлантириб, илҳомлантириб туради, адабиётнинг табаруқ даргоҳида унга эргашшига, буюк аждоқларига муносиб бўлишга, халқ ва Ватан олдидаги масъулиятни чуқур ҳис қилиб яшашга даъват этади.

Сўлим хиёбонга қадам қўйган киши борки, адабиёт бўстониға кириб қолгандай бўлади. Ёдгорлик мажмуаси ўрнатилган ҳар бир ижодкор ҳайкалида унинг ички олами, характери, асарларидаги бетакрор руҳ, гоё, халқимизга ёд бўлиб кетган қаҳрамонлари қиефаси жилонилиб турибди. Қўлоқларимиз остида Абдулла Ориповнинг серқўёш ўлкамизни мадҳ этган нафис мисралари, Эркин Воҳидовнинг минг аслар ичра пиқон тарихимизни улукловчи теран сатрлари янграгандай бўлади. Ойбек сиймосига боқиб, қишда ҳам шивирлаётган баҳор нафасини ҳис

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи»).

## ФИҚРЛАР, ЭЪТИРОФЛАР, ТААССУРОТЛАР

**Права САМАНТАРАЙ, Дипломатия Академияси академиги (Вьетнам):**

— Ўзбекистонга сафар қилар эканман, Ўзбек адабиётида ўчмас из қолдирган атоқли ёзувчи ва шоирларнинг тарихий хотирасини абадийлаштириш, ёш авлоднинг маданий-маърифий савиясини юксалтириш мақсадида Адиллар хиёбонини барпо этилганига гувоҳ бўлдим. Ижодий сафарлар билан жуда кўплаб мамлакатларга саёҳат қилган бўлсам-да, ҳеч қайси давлатда миллат маърифатпарварлари саналмиш улуг ижодкорларнинг ҳайкали ҳаммиса бир ерда савлат тўкиб, инсонга катта ифтихор ва гурур бағишлаб тургани кўрмаган эдим. Боғнинг мароқ ва ҳаяжон билан сайр қилар эканман, ёнимдаги таржимон ҳар ҳайкал қошида туриб муаллифини таништириди. Ўзим учун ўзбек адабиётини қайтадан кашф қилдим, десаим, муболага эмас.

Адиллар хиёбонидидаги ҳар бир монументал обида ўзининг бадиий-фалсафий жиҳатлари билан буюк бир тарих, адабиёт ва маънавият ҳақида, қудратли миллий руҳ тўғрисида ҳикоя қилади. Бу ерга келган ҳар бир инсон ўзига янги руҳ ва илҳом, маънавий қудрат олишига ишонаман.

**Турол ТУРОН, “Туркистон” газетаси бўлим муҳаррири, шоир ва таржимон (Озарбайжон):**

— Икки йил аввал Ўзбекистонда ўтказилган “Самарқанд шеър оқшомлари” номли адабиёт фестивалида қатнашдим. Сафар чоғида дўстларимнинг таклифи билан Ўзбекистондаги бир қатор қадамжолар, газета-журналлар таҳририятлари, ёзувчи-шоирлар жондонига кўноқ бўлдим. Мени элб, қизиқтирган жой эса, албатта, Тошкент шаҳридаги Адиллар хиёбони бўлди.

**Ноҳир ЖОНУЗОҚ, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир:**

— Ёзувчилар уюшмаси биносининг чизмаси тайёр бўлганида, кўзимиз янаша ҳаяжонланганимиз, “нахотики ок қоғоздаги шу чизгилар тўлиқ амалга ошса?!” деб бир-биримиз билан фикр алмашганларимиз эсимизда. Кейин азамат экскаваторлари бўльдозерлар, оғир юк машиналари ишга тушди. Бинонинг ўрни қазилиб, пойдевор қўтарилди. Деворлар тикланди. Том ёпилиб, иншоотнинг ичу ташига беказ берилди...

Бу жараёндаги ҳар бир ўзгариш, табиийки, бизни ҳурсанд қилди — бинога эмас, бизнинг кўнглимизга нақшу безак солинаётгандай эди. Бугун бу ерда барпо этилган Адиллар хиёбони, улуг устозларимизнинг нузли сиймолари, Ёзувчилар уюшмасининг янги биноси ва бошқа иншоотлар халқимизнинг бой маънавий дунёси, теран тафаккурининг кўркам тисмоси каби қад ростлаб турибди. Бу, табиийки, бизга чекиз қувонч ва гурурифтхор бағишлайди.

**Шодмонкул САЛОМ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир:**

— Адабиёт ҳоҳсидаги ўзгаришлар қўлига қалам тутган ҳар бир ижодкорга жуда катта илҳом, куч ва шижоат бахш этади, масъулият ўқлабди. “Мен шоирман, ёзувчиман, адабиётшуносман. Ёнг улуг вафизам — одамлар тафаккурига сўз орқали маънавият олиб кириш! Миллий адабиётимизни жаҳоннинг катта минбарларига олиб чиқиш! Бунинг учун бугун ҳамма имкониим бор! Даврининг улуг тўлқини менчи қанча адабиёт кемасини қўнгиллар қирғоғига олиб келиб турибди. Шунга муносиб сўз айта оламанми?!” Ана шу савол-мушоҳада ҳар бир қалам соҳибининг қалбига кечаётган

ни, шубҳасиз. Чунки Адиллар хиёбонига қад кўтарган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг мухташам биноси, у ердаги ифодаб бўлмайдиган оламшумул ўзгаришлар шундай дейишга асос беради.

Барча соҳа каби адабиётимизнинг ҳам яқин юз йилликда босиб ўтган оғир, аламли йўлини эсласак, тушуниб идрок этсак, беихтиёр юракларимиздан “Мана, адабиёт ривожини учун олтин палла! Сендан қутилаётган хал қилувчи Сўзини айтмоқ имкони!” деган иқроқ ва ишонч отилиб чиқади. Билдирилаётган ишончга муносиблик ҳисси мумод бизни безовта қилиб туриши керак!

# АДАБИЁТ БОҒИ

(Бағишлов)

Бир қутлуг ҳикмат билан диллар боғлиғ-чаманлиғ, Ер бўлмоқ ёрлик ишир, иш эмасдир душманлиғ, Ҳар қўнгли ошқис ўлсин, бўлсин сарви суманлиғ, Йўллар чароғон бўлсин, бўлмасин ҳеч туманлиғ, Навоийнинг гард юксак покиза қароғи бу, Адиллар хиёбони — адабиёт боғи бу.

Мозий — ойна, яна ҳақиқат тарозуси, Аҳли илм миллатнинг раҳнамоси, кўзуси, Оҳ ва ҳасратим битгай ушласа эл орзуси, Ҳуррият сендан бўлсин, йўқдир қалбим ҳайуси, Огоҳлик Бехбудийнинг чалган кўнғороғи бу, Адиллар хиёбони — адабиёт боғи бу.

Тоғлардай салобати, тоғлардай виқори бор, Боғлардайин серҳосил ижоди — изҳори бор, Сўз атомдан қўчилир — ҳаётий шоири бор, Ўзбекининг шундай улуг Абдулла Қаҳҳори бор, “Ўтмишдан эртаклар”и сўзининг салмоғи бу, Адиллар хиёбони — адабиёт боғи бу.

Кўнглида Ватан ишқин, жасоратни экди у, Шоҳ бўлди, дунёнинг шоҳ фироники чекди у, Ҳеч кимда бoш эғмени, фақат сўзга эғди у, Умрини сўз аталмиш яхшиликка тикди у, Захриддин Мухаммад Бобурининг сабоғи бу, Адиллар хиёбони — адабиёт боғи бу.

Кому мақсад ҳосили маърифат қуёшидан, Тарбия шарти акбар, шаксиз, бола бошидан, Ҳурилик дея курашгин, кўрқма қисмат тошидан, Ўтларга офат етар поқдлининг кўз ёшидан, Абдулла Авлонийнинг илҳоси, ахлоқи бу, Адиллар хиёбони — адабиёт боғи бу.

Қалбнинг бор сийратини кўзлар этгай ифода, Тоза ўғитлар айтиб ўтди Мақсуд Шайхзода, Чин гўзаллик шеърлари — шабнамдан ҳам озода, Ватан ишқи дилида фалақдан ҳам зиёда, Мирзо Улугбекнинг ой — осмонда қўғи бу, Адиллар хиёбони — адабиёт боғи бу.

Боғни гуллатмоқ учун мирос ҳам керак экан, Дилин яшнатмоқ учун меър — об ҳам керак экан, Ҳақ сўхбатин истасан, меҳроб ҳам керак экан, Офтоб ҳам керак экан, моҳтоб ҳам керак экан, Дилда Оғахий ёққан муҳаббат чароғи бу, Адиллар хиёбони — адабиёт боғи бу.

“Ўткан қўнлар”, во дариг, билдим мен, ўтмас экан, Меҳробдан чиққан чаён — доғ эрур, битмас экан, Гоғилин уйғотишга вақтимиз етмас экан, Аммо бу истак дилдан ҳеч қачон кетмас экан, Абдулла Қодирийнинг ўтмишдан суроғи бу, Адиллар хиёбони — адабиёт боғи бу.

Водийларни бахтиёр кезганимдан айтмайми, Гоҳо жонни аймай эзганимдан айтмайми, Гоҳо шу ширин жондан безганимдан айтмайми, Аммо Семурғ келишин сезганимдан айтмайми, Ҳамид Олимжоннинг дафтар-у сийҳи бу, Адиллар хиёбони — адабиёт боғи бу.

Навоийдан сўз очган, мард-халол халқнинг ўғли, Фузулйидан дур согчан, юрағи оташ-чўғли, Махтумқулидек умри ўтган эл-юртга боғли, Кунҳўжа, Ажиниёз каби дурторли — туғли, Бердақ — сахро бўлбулин ҳеч сўнмас сайроғи бу, Адиллар хиёбони — адабиёт боғи бу.

Бошни зўр ишга бериб йилганган одам менман, Кеча-кундуз эрк деб жон тиллаган одам менман, Қалбни оташга ташлаб чўғлаган одам менман, Бинафша сенми, деб дил йўқлаган одам менман, Абдулхамид Чўпоннинг “Эрк” деган байроғи бу, Адиллар хиёбони — адабиёт боғи бу.

Кўёшли қалам тутмоқ, устозларга эҳтиром, Фироқдан ишқ тўла дил олиб яшар интиқом, Хотира сийқилари кўнгли сурати, тамом, Демакки, мушоира тўхтамас, этар давом, Зулфиянинг гулларга лим тўлган қўчоғи бу, Адиллар хиёбони — адабиёт боғи бу.

Ватан қаерда бўлса, тану жон ўшандадир, Саёҳат ҳам Ватанда, сайр ҳам Ватандадир, Булбуллар сабаза урган боғларда, чамандалир, Ўзим ҳар жойдаман кўнглим манним сандалур, Мўқимий тортиқ этган дилларнинг титроғи бу, Адиллар хиёбони — адабиёт боғи бу.

Маним асл ҳолимин билса, ул қуёш билгай, Жон дўстим, ёлғиз кўнглим — чин содик сирдош билгай, Интизор кўзларимда ҳалқа-ҳалқа ёш билгай, Шу бечора жон билгай, шу умр — бардош билгай, Устоз Фафур Гуломнинг дилдаги сайроғи бу, Адиллар хиёбони — адабиёт боғи бу.

Тақдир зарбаларини қулиб енгса бўларкан, Ўғр каби кенг бағир бўлиб енгса бўларкан, Ер ўйини ошино билиб енгса бўларкан, Ҳасратни ҳам табассум қилиб енгса бўларкан, Саид Аҳмад қулгунинг қайнаган бўлоғи бу, Адиллар хиёбони — адабиёт боғи бу.

Айрилик оғир қисмат, яшайсан ситам ичра, Ватандан айро дилнинг ҳаёти мотам ичра, Фироғи, изтироби қадам боқадан ичра, Элинг озод бўлмаса, мардларнинг адам ичра, Фурқатнинг элчим дебон тиклаган чорбоғи бу, Адиллар хиёбони — адабиёт боғи бу.

Бир ўлкаки, қишида шивирлайди баҳорлар, Бир сават гул тутайди қуёшга оқ наҳорлар, “Наврий”дан сабоқлар олар неча хуморлар, Тоғлар мангу яшайди, эриб кетайди қорлар, Ойбек домла халқимнинг осмонлар тоғи бу, Адиллар хиёбони — адабиёт боғи бу.

Гулга ағёр азоби шунча бўлурми, ҳай-ҳай, Ох, юракнинг оташи куча бўлурми, ҳай-ҳай, Ер ҳажрида кўз ёши Нилча бўлурми, ҳай-ҳай, Қаноатда Саида филча бўлурми, ҳай-ҳай”, Чин муҳаббат, садоқат қўнглининг умчоғи бу, Адиллар хиёбони — адабиёт боғи бу.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-қодишни телефонингиз орқали сканер қилинг.

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1148. 28 466 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

ISSN 2010-0788

Таҳририятга келган қўёзмалар тақрир қилинмайдан ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунали расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақдаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-